

4-1-2018

## IMPORTANCE OF CREDIT TO EVALUATE INVESTIGATION IN UZBEKISTAN

Kh. Khadjayev  
*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Khadjayev, Kh. (2018) "IMPORTANCE OF CREDIT TO EVALUATE INVESTIGATION IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 25.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

Хаджаев Х. С. – ТМИ,  
катта ўқитувчи

## ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕСНИ ЮРИТИШНИ БАҲОЛАШДА КРЕДИТ ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** Мақола Ўзбекистонда бизнесни юритишни баҳолашда кредит олишнинг аҳамияти масалаларига бағишланган. Мақолада Ўзбекистоннинг Жаҳон Банки услубиётига кўра бизнесни юритишда кредит олиш соҳаси бўйича жаҳон рейтингдаги ўрни таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** бизнесни юритиш, баҳолаш, кредит олиш, Жаҳон Банки, ислохот, бизнес муҳит

**Аннотация:** Статья посвящена вопросам значения получение кредитов при оценки ведения бизнеса в Узбекистане. В статье анализируется места Узбекистана в мировом рейтинге по получению кредита при ведение бизнеса по методологии Всемирного Банка.

**Ключевые слова:** ведение бизнеса, оценка, получение кредитов, Всемирный Банк, реформа, бизнес среда

**Abstract:** The article is devoted to the issues of doing business in Uzbekistan. The article analyzes the Uzbekistan's place in the world ranking for doing business according to the World Bank methodology.

**Keywords:** business, rating, of doing business, the World Bank, reform, business environment

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида бу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли борган сари ортиб бормоқда. Хусусан, 2016 йил якунларига кўра кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 56,9 фоизни, саноатдаги улуши эса 45 фоизни ташкил этди. [3]

Бу соҳага қаратилаётган эътибор Ўзбекистонда бизнесни юритиш жараёнларини енгиллаштиришга имкон яратди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Бизнесни юритиш” рейтингни маълумотларига эътибор қаратамиз. Қуйида келтирилган жадвалда сўнгги 3 йилда Ўзбекистоннинг мавқеи анча мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин. “Бизнесни юритиш-2017” ялпи рейтингда Ўзбекистон 190 мамлакат ичида 87 ўринга эга бўлди.

### “Бизнесни юритиш” ялпи рейтингида Ўзбекистоннинг ўрни

	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Ўзбекистон	141	87	87

Манбаа: “Бизнесни юритиш” маълумотлари асосида тузилган

Ўзбекистон Республикаси мазкур рейтингда бундай мавқега эга бўлишида “Мулкни рўйхатга олиш”, “Миноритар инвесторларни ҳимоялаш” ҳамда “Солиққа тортиш” соҳаларида амалга оширилган ислохотлар сабаб бўлди. Ўзбекистонда ахборотлар очиклигини ошириш ҳисобига мулк ҳуқуқини бериш соддалаштирилди, мулкчилик таркиби ва назоратини тушунтириш йўли билан миноритар инвесторларни ҳимоялаш кучайтирилди, иш берувчилар учун ижтимоий тўловларнинг ягона ставкаларини, шунингдек корхоналар фойдасига солиқ ставкаларини пасайтириш ҳисобига солиқларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар қисқартирилди.

Ўзбекистоннинг ушбу рейтингга киритилган соҳалар бўйича мавқеини кўрадиган бўлсак, энг юқори ўринлар корхоналарни яратиш - 25 ўрин, шартномалар бажарилишини таъминлаш – 38 ўрин, кредитлар олиш - 44 ўрин кабиларга тўғри келади.[3]

Кўриш мумкинки, Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” тадқиқотлари доирасида қўлланиладиган соҳалар жумласига кредитларни олиш ҳам киради. Шу сабабдан ҳам мазкур соҳани ўрганишда нималарга эътибор қаратилишини Жаҳон банки услубиётига кўра батафсил кўриб чиқамиз.

Бу соҳани таҳлил қилишда қатор кўрсаткичлар қўлланилиб, улар баъзилари ёрдамида таъминланган битимлар бўйича қарз олувчилар ва кредит берувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари, бошқалари ёрдамида эса кредит ахборотларини айирбошлаш баҳоланади. Баъзи кўрсаткичлар гаров таъминоти ва банкротлик тўғрисидаги қонунчилик доирасида қарзларни тақдим этишни енгиллаштирувчи мавжуд муайян вазиятларни ўлчайди. Бошқа кўрсаткичлар кредит ҳисоботлари хизматларини етказиб берувчилари орқали олиш мумкин бўлган кредит ахборотларининг қамраб олиниши, ҳажми ва қулайлигини баҳолайди.

**“Бизнесни юритиш -2017” кредит олиш соҳаси рейтингида етакчи мамлакатлар ва Ўзбекистон**

Мамлакатлар	Кредит ахборотлар индекси	Юридик ҳуқуқлар индекси	Кредитлар олишнинг умумий кўрсаткичи	Кредитлар олиш (энг юқори даражадан узоклашуви)	Кредитлар олиш бўйича рейтинг
Янги Зеландия	8	12	20	100,00	1
Колумбия	7	12	19	95,00	2
АҚШ, Руанда	8	11	19	95,00	2
Австралия	7	11	18	90,00	5
Мексика	8	10	18	90,00	5
Руминия, Пуэрто Рико	7	10	17	85,00	7
Кабо-Верде	6	11	17	85,00	7
Камерун Латвия Гондурас Грузия	8	9	17	85,00	7
Черногория	5	12	17	85,00	7
Ўзбекистон	7	6	13	65,00	44

Жадвал “Бизнесни юритиш-2017” маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тузилган.

“Кредитларни олиш” кўрсаткичи бўйича иқтисодиётлар рейтинги ушбу кўрсаткич учун энг юқори чегара бўйича умумий баллни ажратиш йўли билан аниқланади. Умумий балл қонуний ҳуқуқларни амал қилиш индекси бўйича ва кредит ахборотининг чуқурлашуви индекси бўйича энг юқори чегарадан узоклашиш кўрсаткичларини қўшиш йўли билан аниқланади. [3]

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 190 мамлакат ичида кредит олиш рейтинги бўйича Янги Зеландия етакчилик қилган бўлиб, 100 фоизлик натижага эришган. Кейинги ўринда Колумбия, АҚШ, Руанда каби мамлакатлар

туради ва уларда бу кўрсаткич 95 фоиз, Австралия, Мексика каби мамлакатларда 90 фоиз, жадвалда келтирилган 8 мамлакатда 85 фоизлик натижа қайд этилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 65 фоизни ташкил этган бўлиб, кредит ахбороти индекси 7 ни, юридик ҳуқуқлар индекси эса 6 ни, умумий кўрсаткич 13 ни ташкил этган.[1]

Энди мазкур жадвални тузишда қўлланиладиган маълумотлар қандай тўпланишини кўриб чиқамиз.

Қарз олувчилар ва кредит берувчиларнинг қонуний ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар молия масалалари бўйича ихтисослашган ҳуқуқшунослардан сўров ўтказиш йўли билан тўпланади ва қонуний ҳамда меъёрий ҳужжатларни, шунингдек умумий қулай манбалардан гаров таъминоти ва банкротлик бўйича ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан текширилади. Тадқиқот натижалари сўров ўтказилганлар билан қўшимча суҳбатлашиш, шунингдек учинчи томонлар билан мулоқот қилиш ва умумий қулай манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш ёрдамида тасдиқланади. Тадқиқот маълумотларини тасдиқлаш учун барча мамлакатларда телеконференциялар ёки жойларга ташрифлар ўтказилади.

Қонуний ҳуқуқларни амал қилиш индекси гаров таъминоти ва банкротлик тўғрисидаги қонунчилик қарз олувчилар ва кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини қанчалик даражада ҳимоя қилиши ҳамда шу орқали кредитлашга қандай ёрдам беришини ўлчайди. Ҳар бир мамлакат учун, биринчидан таъминланган битимларнинг мавжуд ягона тизими аниқланади. Бунда икки хил ҳолат ўрганилади ва бу икки ҳолатда ҳам кўчувчи мулк билан намоён этилган гаровдан фойдаланишга ҳуқуқий меъёрлар тўплами тадқиқ қилинади. Бунда таъминланган қарз олувчи ва таъминланган кредит берувчига нисбатан баъзи фаразлар қўлланилади.

Масалан, ўрганилаётган компания маҳаллий масъулияти чекланган компания ҳисобланади ва унда 50 тагача ходим ишлайди, бу компаниянинг бош бўлинмаси ҳамда ягона операцион базаси мамлакатда ишчан фаолликни йирик маркази ҳисобланган шаҳарда жойлашган, бу компаниянинг ҳеч қандай хорижлик эгаси йўқ. Кредит берувчи ҳам маҳаллий ҳисобланади.

Бу ҳолатлардан биринчисида кредит бўйича гаров таъминоти сифатида қарз олувчи компания кредит берувчига кўчувчи активлар тоифасига кирувчи, масалан, машина ускуналари ёки моддий айланма маблағлар захиралари кабиларга эгаликсиз гаров ҳуқуқини беради. Компания гаров таъминотига эгалик ва мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишни хоҳлайди. Кўчувчи мулкка эгаликсиз гаров ҳуқуқини беришга қонун томонидан рухсат берилмаган мамлакатларда эгаликсиз гаров ҳуқуқини ўрнини босувчи ўхшаш механизмлар қўлланилади.

Иккинчи ҳолатда қарз олувчи компания кредит берувчига компаниянинг жами кўчувчи активларига (ёки компаниянинг кўчувчи активларининг максимал

даражада мумкин бўлган ҳажмига) гаров ҳуқуқини берувчи бизнес гаровини, корхона гаровини, сузувчи гаровни ёки бошқа ҳар қандай гаровни тақдим этади. Компания бу активларга мулк ва эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади.

Фақат биринчи ҳолатда қонуний ҳуқуқларни амал қилиши индекси кўчувчи мулкни таъминловчи функционал эквивалентларни (масалан, ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини сақлаш ҳақидаги келишувлар) қамраб олади ва шунга кўра, таъминланган битимлар бўйича ҳуқуқий асос қанчалик бирлашганлиги баҳоланади.

Қонуний ҳуқуқларни амал қилиши индекси гаров таъминоти тўғрисидаги қонун билан кўзда тутилган қонуний ҳуқуқлар билан боғлиқ 10 жиҳатни ва банкротлик тўғрисидаги қонунга тааллуқли 2 жиҳатни қамраб олади. Бу қонунларнинг қуйидаги ҳолатларини ҳар бирига бир балл берилади:

- Мамлакатда кўчувчи мулк таркибида ҳимояланган манфатларнинг 4 та функционал эквивалентлари: мулк ҳуқуқини ишончли шахсга бериш; молиявий ижара/лизинг; дебитор қарздорликни олиш ёки бериш; мулк ҳуқуқини ушлаб қолиш билан сотишни яратиш, ошкор этиш ва қонуний ижросини ўтказишга жорий этиладиган таъминланган битимлар учун бирлашган ёки ягона ҳуқуқий база мавжуд.

- Қонун гаров таъминотини аниқ изоҳини талаб этмаган ҳолда корхонага кўчувчи активларни (машина ускуналари ёки моддий айланма маблағлар захиралари каби) муайян тоифаларига эгаликсиз гаров ҳуқуқини беришга руҳсат этади.

- Қонун гаров таъминотини аниқ изоҳини талаб этмаган ҳолда корхонага деярли барча кўчувчи активларга эгаликсиз гаров ҳуқуқини беришга руҳсат этади.

- Гаров ҳуқуқи келгусидаги ёки оқибатда олинган активларга ҳам жорий этилиши мумкин ва дастлабки активлардан фойдаланиш натижасида олинган активларга, бу активлардан келган тушумларга ёки уларни ўрнини олган активларга автоматик равишда тааллуқли бўлиши мумкин.

- Қарзлар ва мажбуриятларнинг умумий изоҳи гаров шартномасида (гаров ҳақидаги шартномада) ва рўйхатга олиш ҳужжатларида бўлишига йўл қўйилади, қарз ва мажбуриятларнинг барча турлари томонлар ўртасида таъминланиши мумкин, гаров шартномаси эса активларга тўланадиган максимал суммани ўз ичига олиши мумкин.

- Мамлакатда географик ва активлар турлари бўйича бирлаштирилган гаров умумий рўйхати ёки гаров таъминотини рўйхатга олувчи институт амал қилади, электрон маълумотлар базаси эса қарздорлар номлари бўйича тартиблаштирилган.

- Гаров умумий рўйхати фақат таъминот манфаати мавжудлиги ҳақида

огоҳлантиради (бирок асосий ҳужжатларни чоп этмайди) ва ҳуқуқий таҳлилни бажармайди. Умумий рўйхат шунингдек таъминловчи манфаатларнинг функционал эквивалентларини чоп этади.

- Гаров умумий рўйхати замонавийлаштирилган ва таъминланган қарз олувчиларга (ёки уларнинг вакилларига) электрон кўринишда таъминловчи манфаатларга ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, қидириш, таҳрир этиш ёки бекор қилишга имкон беради.

- Банкротлик тартиблари доирасида қарздорнинг ночорлик ҳолатида таъминланган кредит берувчиларга тўловлар биринчи навбатда (масалан, умумий солиқ талаблари ва ходимлар талаблари қондирулгунга қадар) амалга оширилади.

- Компания йўқ қилинаётган ҳолатда таъминланган кредит берувчиларга тўловлар биринчи навбатда (масалан, умумий солиқ талаблари ва ходимлар талаблари қондирулгунга қадар) амалга оширилади.

- Таъминланган кредит берувчиларга қарздорларга нисбатан суд назорати остида қайта ташкил этиш тартиби бошланаётганда ҳуқуқни қўллаш чораларини автоматик равишда тўхтатиш ҳаракати жорий этилади, бирок қонун таъминланган кредит берувчининг ҳуқуқларини агар кўчувчи мулк ҳавф остида бўлса, автоматик келишдан озод қилиш учун қатъий асосларни бериб ёки автоматик келишга чекли муддатни ўрнатиб ҳимоя қилади.

- Қонун кредит берувчи ўз гаров ҳуқуқини суддан ташқари тартибда мажбуран амалга оширишга ҳақли эканлигини гаров ҳақидаги келишувда томонлар кўзда тутишига рухсат этади. Қонун давлат ва хусусий ким ошди савдоларини ўтказишга рухсат этади, шунингдек таъминланган кредит берувчига қарзни тўлашда активларни олиш/ўзида қолдиришга имкон беради.

Индекснинг миқдори 0 дан 12 гача ораликда бўлади, бунда юқорироқ баҳолар кредитга қулайликни кенгайтириш нуқтаи назаридан гаров таъминоти ва банкротлик ҳақидаги қонуннинг каттароқ самарадорлигини англатади.

Ҳар йили қонуний ҳуқуқлар амал қилиши индекси таъминланган битимлар ва заифлик билан боғлиқ ўзгаришларни ўрганиб боради. Маълумотларга таъсир этишига қараб баъзи ўзгаришлар ислоҳотлар сифатида синфланади ва аҳамиятли ўзгаришларни жорий этишни таъкидлаш учун “Бизнесни юритиш ислоҳотларининг қисқача мазмуни” бўлимида санаб ўтилади. Ислоҳотлар икки тоифага бўлинади, яъни бизнесни юритишни соддалаштирувчи ислоҳотлар ва бизнесни юритишни мураккаблаштирувчи ислоҳотлар. Қонуний ҳуқуқларни амал қилиш индекси ислоҳотни тан олиш учун қуйидаги мезонларни қўллайди. Эгасиз таъминловчи манфаатлар ва уларнинг функционал эквивалентлари яратилиши, ошкор этилиши ва қонуний ижроси ўтказилишини тартибга солувчи таъминланган битимлар учун ҳуқуқий асосни мавжудлиги бўйича иқтисодий баҳолашга қандайдир таъсирга эга қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги барча

ўзгартиришлар. Ҳар йили янги қонунлар ва ўзгартиришлар гаров сифатида қўлланилиши мумкин бўлган активларни танлашда максимал даражада эгилувчанликни таъминлашга имкон бериб кичик ва ўрта корхоналар томонидан кредит олишни енгиллаштириши асосида баҳоланади.

Қонуний ҳуқуқларни амал қилишига таъсир этувчи ислоҳотлар таъминланган битимлар бўйича ҳужжатларни ўзгартириш ёки киритишни, тўловга қобилиятсизлик кодексини ёки фуқаролик кодексини, шунингдек кўрсаткичлар билан ўлчанадиган гаров умумий рўйхати функцияларидан исталганини яратиш ёки замонавийлаштиришни ўз ичига олади. Масалан, географик жиҳатдан марказлашган, кўчувчи мулкнинг барча турлари учун ягона, шунингдек қарздорлари номлари бўйича тартиблаштирилган маълумотли субъектларнинг барча хиллари ҳисобланган гаров умумий рўйхатини кўзда тутувчи ёки бундай гаров умумий рўйхатини деярли ўрнатувчи қонунни киритиш баҳони 1 баллга оширувчи ислоҳот сифатида ҳисобга олинади.

Кредит ахборотларини айирбошлаш бўйича маълумотлар икки босқичда йиғилади. Биринчи босқичда кредит ҳисоботлари хизматларини кўрсатувчиларнинг мавжудлигини тасдиқлаш учун банк назорати органларини тадқиқ қилиш ва ахборот ресурсларининг умумий қулайлигини ўрганиш ўтказилади. Иккинчи босқичда зарурият туғилганда бу тузилмаларнинг ўзини таркибий тадқиқи ҳамда уларга нисбатан қонуний ва бошқа меъёрларнинг қўлланилиши ўтказилади. Тадқиқот натижалари сўров ўтказилганлар билан қўшимча суҳбатлашиш, шунингдек учинчи томонлар билан мулоқот қилиш ва умумий қулай манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш ёрдамида таслиқланади. Тадқиқот маълумотларини тасдиқлаш учун барча мамлакатларда телеконференциялар ёки жойларга ташрифлар ўтказилади.

Кредит ахборотининг чуқурлиги индекси ёки кредитнинг умумий рўйхати орқали, ёки кредит ахбороти бюроси орқали олиш мумкин бўлган кредит ахборотнинг қамрови, ҳажми ва қулайлигига нисбатан қоидалар ва амалиёт баҳолайди. Кредитнинг умумий рўйхати ёки кредит ахбороти бюросининг қуйидаги 8 хусусиятининг ҳар бирига бир балл берилади:

- Маълумотлар компаниялар бўйича бўлгани каби жисмоний шахслар бўйича ҳам тарқатилади.
- Ижобий кредит ахборотлари (масалан, кредитнинг дастлабки миқдори, кредитларнинг қопланмаган миқдори ва қоплашни ўз вақтидалиги жадвали) каби, салбий ахборотлар ҳам (муддати ўтган тўловлар, тўлай олмасликлар сони ва миқдори) тарқатилади.
- Молиявий муассасалар маълумотларидан ташқари шунингдек чакана савдо корхоналари ва коммунал хизматлари компанияларидан олинган маълумотлар ҳам тарқатилади.



- 2 йилдан кам бўлмаган даврдаги ретроспектив маълумотлар тарқатилади. Кредит умумий рўйхатлари ва кредит ахборотлари бюроси 10 йилдан кўпроқ вақтга салбий ахборот ҳақидаги маълумотларни тарқатадилар ёки мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни улар қоплангандан кейин шу ондаёқ ўчирганлари кўрсаткичи бўйича 0 баҳосини оладилар.

- Миқдори аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 1 фоизидан камини ташкил этган кредитлар ҳақидаги маълумотлар тарқатилади.

- Қонун бўйича мамлакатнинг йирик кредит бюроси ёки умумий рўйхатида бўлган қарз олувчилар ўзлари ҳақидаги маълумотларни билиш ҳуқуқига эгалар. Қарз олувчилар учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 1 фоизидан кўпроқ оладиган кредит бюроси ёки умумий рўйхатлар ўз маълумотлари базаларини текшириш учун бу кўрсаткич бўйича 0 баҳосини оладилар.

- Банклар ва бошқа молиявий муассасалар онлайн тарзида қарз олувчиларнинг кредит ахборотларига қулайликка эгалар.

- Бюро ва умумий рўйхатларнинг кредит баҳолашлари банклар ва молиявий муассасаларга қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда кўмаклашиши учун қўшилган қийматли хизматлар сифатида таклиф этиладилар.

- Индекс 0 дан 8 гача оралиқда бўлиб, бунда юқорироқ кўрсаткич кредитлаш ҳақида қарор қабул қилишни енгиллаштириш учун ё кредит умумий рўйхатида ёки кредит ахбороти бюросида кредит ахборотларининг кўпроқ ҳажмини олиш имкониятини кўрсатади. Агар кредит умумий рўйхати ёки бюроси амал қилмаса, ёки катта ёшдаги аҳолининг 5 фоизидан камроғини қамраб олса, кредит ахбороти чуқурлиги индекси бўйича баҳо 0 га тенг.

Кредит ахбороти бюроси қамрови ёки кредит умумий рўйхати қамрови 2016 йилнинг 1 январига охириги 5 йилдаги олинган қарзлар ҳақидаги ахборотлар кредит ахборотлари бюросида бўлган жисмоний шахслар ва компаниялар сонини акс эттиради. Қўшимча равишда охириги 5 йилда қарз олиш тарихига эга бўлмаган, бироқ 2015 йилнинг 2 январидан 2016 йилнинг 1 январигача бўлган даврда кредит берувчилар томонидан кредит ахборотлари бюро ёки умумий рўйхатдан сўралган жисмоний шахслар ва компаниялар сони акс эттирилади. Бу миқдор катта ёшдаги аҳолига (Жаҳон банкининг “Жаҳон ривожланиши кўрсаткичлари” нашрига мувофиқ 2015 йилда 15 ва ундан катта ёшни ташкил этган) нисбатан фоизларда ифодаланади. Кредит ахборотлари бюроси деганда молия тизимидаги қарз олувчиларнинг (жисмоний ёки юридик шахс) кредитга лаёқатлилиги ҳақидаги маълумотлар базасини юритувчи ва банклар ҳамда молиявий муассасалар ўртасида кредит ахборотларини айирбошлашга кўмаклашувчи хусусий компания ёки ноижорат ташкилоти тушунилади. Бюро

бўлмаганда қамраб олиш кўрсаткичи 0 фоизга тенг.

Кредит умумий рўйхати деганда молия тизимидаги қарз олувчиларнинг (жисмоний ёки юридик шахс) кредитга лаёқатлилиги ҳақидаги маълумотларни тўпловчи давлат сектори томонидан, одатда марказий банк ёки банк бошқармаси томонидан юритиладиган ва банклар ҳамда молиявий муассасалар ўртасида кредит ахборотларини айирбошлашга кўмаклашувчи маълумотлар базаси тушунилади. Давлат умумий рўйхати бўлмаганда қамраб олиш кўрсаткичи 0 фоизга тенг.[3]

Мамлакатимизнинг бу соҳадаги рейтингини янада ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” қабул қилинган Фармони банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш таъкидлаб ўтилган. [2]

Республикамизнинг бу соҳада жаҳон рейтингидаги вазиятини мустаҳкамлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар олиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш эътироф этилган. [3]

Ҳукуматимизнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектлари учун тўсиқларсиз кредит олишни таъминлаш, қарздорлар ва кредиторларнинг таъминланган битимлар бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш, кредит маълумоти алмашинуви механизмларини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган. [4]

Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда ҳуқуқ ва молия соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий равишда мамлакатимизнинг бизнесни юритиш бўйича ва тадбиркорлик субъектларини кредит олиш соҳасида жаҳон рейтингидаги ўрнини мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. 15.01.2017

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони. 2016 йил 5 октябрь

3. «Ведение бизнеса 2017: Равные возможности для всех». Выпуск №14 (<http://russian.doingbusiness.org/>)

4. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.